



МИЛЛИЙ ВА ТАЪЛИМИЙ ЎЙИНЛАР БОЛАЛАР УЧУН ҲАЁТ МАКТАБИ

Розия Муродуллаева

*Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти,
Косон туманиндағи 32-ДМТТ тарбиячиси*

Аннотация: Ушбу мақолада миллий ва таълимий ўйинларнинг ва шу ўйинларда фойдаланиладиган ўйинчоқларнинг баркамол шахс тарбиясидаги аҳамияти, ўрни ҳақида сўз боради. Ҳозирги кунда унутилаётган миллий халқ ўйинлари, милий ўйинчоқлардаги табиийлик ва янги ишлаб чиқилган ўйинлар, ўйинчоқларга қўйиладиган талаблар кенг ёритилган.

Калип сўзлар: таълим, тарбия, халқ ўйинлари, тақлидчанлик, бадиий, гигиеник, эстетик, катта моторика.

Аннотация: В данной статье говорится о значении и месте народно-познавательных игр и игрушек, используемых в этих играх, в воспитании всесторонне развитой личности. Широко освещены забытые сегодня национальные народные игры, натуральность национальных игрушек и вновь разрабатываемые игры, требования к игрушкам.

Ключевые слова: образование, воспитание, народные игры, подражание, художественные, гигиенические, эстетические, крупная моторика.

Abstract: This article talks about the importance and place of national and educational games and the toys used in these games in the education of a well-rounded personality. Today's forgotten national folk games, the naturalness of national toys and newly developed games, requirements for toys are widely covered.

Key words: education, upbringing, folk games, imitation, artistic, hygienic, aesthetic, large motor skills.

“Агар мендан сизни нима қийнайди?” деб сўрасангиз, фарзандларимизнинг таълим ва тарбияси деб жавоб берган бўлар эдим”, деган эдилар хурматли юртбошимиз Ш.Мирзиёев.

Ватанимизнинг равнақ топиши жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши, ижтимоий-иктисодий, сиёсий, фан, таълим, маданият соҳаларидаги ривожи кўп жиҳатдан ёшларнинг таълим тарбиясига боғлиқ.

Ўзбекистон азал азалдан буюк саркардалар, мутафаккирлар, алломалар юрти сифатида тан олиб келинган. Бугунги кунда ҳам бу эътирофга чин



маънода лойиқ бўлиб келмоқдамиз. Бунинг ортида ўз фарзанди келажагини юрт тақдири билан боғлайдиган ота - оналаримиз ва келажагимиз бунёдкорлари бўлган тарбиячи педагогларнинг тинимсиз, мashaққатли меҳнатлари ётиби.

Ҳар биримиз беғубор болалигимизни эслаганимизда ўша сеҳрли оламга бир саёҳат қиласиз. Болалиқдаги энг гўзал хотираларимиз дўстларимиз, опакуларимиз билан ўйнаган ўйинларимиз билан боғлиқ. Биз шу ўйинларда улғайганмиз, катталарга тақлид қилганмиз, ғалаба нашидасини сурганмиз гоҳида эса мағлубият аламини таътиб қўрганмиз.

Хозирги кун педагогикасида болаларга таълим - тарбия беришда замонавий педагогик технологиялар, мултимедия воситаларидан фойдаланиш билан бир қаторда таълимий ва миллий ўйинлардан ҳам фойдаланиш илгари сурilmоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги принспи бугун таълим олишнинг ҳамма шаклларини берилиши жараёнида миллий қадриятлар руҳида бўлишига аҳамият берилган. Миллий ўйинлар асосида ташкил этилган таълимий фаолийат ёки билим бериш билан бирга болаларни ҳаёт дарсига айланиси, уларни нафақат таълимнинг кейинги босқичига, балки уларни ҳаётга тайёрлаши лозим.

Болалар ҳаётида ҳар бир ўйин драматик бир асаддай, ҳаётининг қай бир парчаси, қай бир дарди, қай бир муаммосини акс эттирувчи саҳна асарида бўлиб, унинг муаллифи ҳам тағин ўша болаларнинг ўзлари. Бунда болаларнинг ижодкорлик салоҳиятлари, қобилиятлари, ҳақиқатдан, намоён бўлади. Зоро, болалар ўйнаб завқ олади, ўйнаб курашга тушади, ўйнаб мағлубият аламини тотади, ўйнаб ғолиблик нашидасини суради, ўйнаб ўрганади, ўйнаб кашф этиш ва ижод қилиш илмини ўзлаштиради, ўйнаб куйлайди, ўйнаб ҳамдардлик ҳамкорлик туйғусини туяди, ўйнаб бирлашади, ҳатто ўйнаб жудо бўлади ёлғизланади. Албатта, ҳар биримизнинг ҳаётимиз давомида бу ҳисларни кўнглимиздан ўтказганмиз.

Кўпинча болалар ўйинлари тақлидий моҳиятга эга. Чунки болалар катталарга тақлид қила туриб ўйнайдилар. Тақлид улар учун оламни ва одамни ўзлаштириш воситасига айланади. “Халқ оммаси бағрида кечеётган болалар турмушининг алоҳида нуқталари бор”, - деб ёзган эди рус фолклоршуноси Г. Виноградов. “Болалар ўзларини айрим ажратилган алоҳида олам сифатида англашади ва яшашади. Катталар иштирокисиз ҳам ўйнай билишади, ўйнаб туриб ўрганади, бевосита катталардан эмас, ўз акасидан улар меросини



ўзлаштиради, рақсини ўрганади – яна ўша катталардан эмас, кўпинча улардан оламшумул сир тутган ҳолда шу тариқа атрофни ўраган мухитни англаш ҳаргал ҳам катталар таъсири ва раҳбарлигига кечавермайди”.

Шунга қарамай болалар ҳаётида тақлидчанликнинг етакчи тамойиллигини рад этолмаймиз. Ўйинлар халқимиз тарихининг кўзгуси ва ажралмас қисмидир. Ўйинларда ҳаракатни юзага келтирувчи воситалар турлича намоён бўлади. Шу хусусиятга қўра улар уч ички хусусиятга эга.

1. Соф ҳаракатдан иборат ўйинлар. Буларни тақлидий ўйинлар ҳам дейиш мумкин. Чунки ҳаракат тақлид асосида юзага келади. “Алмаш қадамлар”, “Она товуқ ва ҳакка”, “Бекинмачоқ”, “Қувлашмачоқ”, “Жик-жик” ва бошқалар. Айниқса, соф ҳаракатдан иборат ўйинлар мактабгача ёшдаги болалар ва кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларнинг энг севимли ўйинларидир.

2. Ҳаракатни предметлар бошқарадиган ўйинлар. Булар кичик ҳамда ўрта, ўсмир ёшдаги ўқувчиларга мос бўлиб, улардаги ҳаракатни тупроқ, танга, лой, данак, ёнғоқ, рўмол, чиллак, тўп, ёнғоқ, қўғирчоқ ҳамда турли - туман ўйинчоқлар юзага келтиради.

3. Ҳаракатни сўзи бошқарадиган ўйинлар. Бу ўйинларнинг фолклористик хусусияти бўлган ва ўйинда қўшиқ ҳаракатни юзага келтирган ва бошқарган. “Оқ теракми, кўк терак”, “Олмача дўм-дўм”, “Қўрғон олиш”, “Бойланди”, “Музлатамиз” ўйинлари шулар жумласидандир.

Ўтмишда, даставвал, болалар ўйинлар ўйнаш учун ўйинчоқларни бевосита ўzlари ясашган. Масалан, “Чиллак” ўйнаш учун “чиллақдаста, чиллак чўплар”ни терак ва бошқа дараҳтлар чўпларидан тайёрлашаган. Қизлар қўғирчоқ ясаш учун 2 дона тугма, пахта, озгина мато, ип, бўёқлардан фойдаланишган ва ўша нарсаларни қидириб изланганлар. Худди шу сингари турли ўйинлар учун “камонлар, варраклар, сув солиб пуфлаганда саярайдиган булбулчалар, парраклар, коптоклар, рақамли карточкалар, қамиш танасидан найчалар” ва ҳоказолар ясад олишган. Бу ўйинчоқлар болалар учун соғломлаштирувчи манба ҳисобланган ва улар ақлан расо, руҳан тетик, жисмонан бақувват бўлиб войага етишган. Сув ва тупроқ бор жойда эса ҳақиқий санъат асарлари яратишган. Ўз тасаввур-кечинмаларини, қизиқишлирини, орзу – умид, истакларини, ўй– хаёлларини мана шу лойда акс эттирганлар.

Ўйин тақазо этган вазиятларда болалар ихтирочилик, ижодий изланувчанлик қобилиятларини намоён этадилар.



Машхур педагог А.С. Макаренко “Яхши ўйин фаолияти – яхши бажарилаётган меҳнатга ўхшайди. Мана шунинг учун болалар ўйин фаолиятида ўзларини қандай намоён этсалар, катта бўлганларидан сўнг меҳнат фаолиятларида ҳам ўзларини шундай намоён этадилар” дейди. Шунда уларнинг қанчалик даражада иқтидорлилиги, қайси касб-ҳунарга қизиқишлари, нималарни орзу қилишлари очик-ойдин билиниб турган. Ана шундай жамоавий ўйинларда болаларда бир бирига бўлган соғлом рақобат ҳисси, меҳр-оқибат, бир бирига ёрдам бериш, бирлашиш ҳисси, бошлаган ишини охиригача тугаллаб қўйиш қўнималари шаклланган. Бундан ташқари, болар ўйинларда табиий нарсалар: сув, қум, лой, тупрок, йўғоч, ёнғоқ, тош, қофоз, дараҳт новдалари, ун ва сувдан тайёрланган елимлардан фойдаланганларида саломатликлари учун фойдали бўлган.

Педагогикада ўйинчоқларга З хил талаб қўйилади.

Педагогик талаблар: Ўйинчоқ образи ва мазмунининг бола тарбиясига мувофиқлиги, жамиятимиз нуқтаи назарига мос келиши, ғоявий жиҳатдан қиммат бўлиши.

Гигиеник талаблар: Ўйинчоқ қандай материалдан ва рангдан тайёрланганилиги, боланинг ҳаётига ҳеч қандай хавф солмаслиги, яхши тозаланиш мумкинлиги асосий талаблардан ҳисобланади.

Бадиий талаблар: Шакл, бўёқ ва безакларнинг ҳар томонлама уйғунлашуви, бир бирини ранг ва шакл жиҳатдан тўлдириб, таъкидлаб, ўйинчоқнинг бадиий ифодалилигини оширади.

Афуски, 50-60-йилларда тайёр маданий ўйинчоқлар яъни пластмасса машиналар, милтиқчалар, коптокчалар, сунъий толали Барби ўйинчоқлари болаларнинг ижодкорлик, топқирилигини бирмунча заифлаштириб қўйди. Ўғил болаларнинг топгани тайёр футбол, қизалоқларнинг ўйнагани эса ўша қўғирчоқларга айланиб қолди. Бу ҳозирги кундаги долзарб муаммо сифатида қаралади ва ота - онлар ва педагогларнинг зиммасига улкан масъулият юклайди.

Мен ҳам ўз педагогик фаолиятимда болажонлар билан “Ўйнаб ўрганамиз” шиори остида кўп бор миллий ва таълимий ўйинлардан фойдаланаман. Иш жараёнида педагогик жамоамга ҳам миллий ўйинлар ҳамда таълимий ўйинларнинг афзалликлари, ютуқларини тарғиб қиласман ҳамда хоҳ у мактабгача таълим ташкилоти бўлсин, хоҳ мактаб бўлсин болаларга таълимтарбия бериш жараёнида юқори самарадорликка эришиш мумкинлигини тарғиб этаман. Кўпинча педагогик фаолиятимда миллий ҳамда таълимий



ўйинлар асосида семинарлар, очик фаолиятлар ташкил этиб, бу ўйинларнинг унутилиб кетаётганларини ва ўзим ишлаб чиқсан янги замонавий варианларини намойиш этаман.

Хусусан, “Она товук ва ҳакка” ўйини соф ҳаракатдан иборат ўйин. Бу ўйинда болалар аралаш ҳолда қатнашсалар-да, қиз болалар кўпроқ ўйнашади. Бир бола она товук, қолганлари жўжа, яна бир бола ҳаккадан ҳимоя қилиши керак. Агар ҳакка жўжаларнинг ярмисини ўзига тортиб олса, она товук билан ҳакка ерга узун чизик тортиб иккови бир бирларининг қўлидан ушлаб тортишади. Қайси бири чизиқдан ўтса, ўша ютқизган ҳисобланади.

“Ўтира тур” ўйини бу ўйин буйруқни тескари бажариш асосида қурилган. Санама орқали ўйинбоши аниқлангач у барчага: “Ўтири” деб буюради. Шунда ҳамма сакраб ўрнидан туриши керак. “Тур” деган буйруқ берилганда эса ҳамма ўтириб олиши зарур. Кимда ким шу буйруқлар талабини айнан ижро этса, ўйиндан чиқарилади. Ўйин то охирги бола қолмагунча давом этади ва ғолиб ҳам шу охирида қолган бола ҳисобланади. Ўйинда 7-8та бола қатнашади. Ўйин болаларни сезирликка, ҳушёрликка ўргатади.

“Тезкорман, Топқирман, Дономан” ўйини боғча ва мактаб ёшдаги болар учун ишлаб чиқсан ўйинларимдан биридир. Бу ўйиндан мақсад: болаларнинг рангларни ажратиш қобилиятини шакллантириб, уларнинг тезкорлигини, дикқат - эътиборини, сергаклигини ошириш ва аниқлашдир. Бу ўйинда давлат талабларининг биринчи “Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши” соҳасидаги кичик соҳа “Катта маторикаси” гавда ҳаракатларини яна-да шакллантиради. Қуйида унинг қоидалари ва бориши билан танишамиз.

Керакли жиҳозлар: столлар, рангли қофозлар, доска, бўр ёки оқ қофоз, ручка. Педагог олдиндан предметларни ёзиб қўяди 5та 10 та ёки 15 та болаларнинг ёшига қараб 2та кетма-кет жойлаштирилган стол устига қизил, яшил, қора, оқ, кўк, сариқ каби рангларни бир қатор қилиб ёпиштириб чиқади. Ўйинга 2та бола таклиф қилинади ва столнинг икки томонида қарама - қарши ҳолатда туришади. Тарбиячи ёзиб тайёрлаб қўйган сўзларидан айта бошлади. Масалан, қулупнай. Болалар сўзни эшитганиданоқ қулупнай мевасининг ранги қизиллигини идрок этиб тезликда қўлларини қизил ранг устига қўйишилари керак бўлади. Қўлларни қўйишида “ўнг қўл” қоидасига амал қилинади. Ҳар бир биринчи бўлиб қўйилган қўл учун бир балл берилади ва натижалар қофозга ёки доскага педагог ёки бошқа болалар томонидан ёзиб борилади. Ўйинда барча болалар бевосита ҳакам сифатида кузатиб борадилар. Шу тариқа сўзлар кетма-кетлиги давом эттирилиб иштирокчиларга эшиттирилади. Педагог болалар



сергаклигини яна-да ошириш мақсадида хона гуллари, дарсликлар муқоваси, мактаб ёки боғча биносини, хонада мавжуд ўқув қуролларини ҳам келтирилиши мумкин. Ҳамма белгиланган сўзлар ўқиб бўлингач ўйиннинг иккинчи босқичига ўтилади. Бунда педагог ўқиб эшилтирган сўзларини ишторокчилар қай даражада хотирасида муҳрлаб қолганлигини текширади. Эслаб қолинган ҳар бир предмет учун ҳам яна бир баллдан берилади ва ҳисобланади. Ўйинда фаол иштирок этган болалар рағбатлантириладилар. Ўйинни ҳафта мавзуларига тегишли предметлардан фойдаланган ҳолатда ҳам олиб борса бўлади. Масалан, мева ва сабзавотлар, гуллар, ўсимликлар ва бошқалар. Бу ўйинни мактабга тайёрлов, бошланғич синф ёки мактаб ўқувчилар билан ўйнаганда предметларни рус ёки инглиз тилида ҳам айтиш мумкин. Мактабгача таълим ташкилотларининг кичик ва ўрта ёшли гурухлари билан бу ўйинни ташкил этганда рангларнинг ўзини айтиб ўйнаш орқали - болажонларнинг рангларни ажратиш қобилияtlарини, тезкорлигини ошириш мумкин.

Инсоннинг саломатлиги, сергайрат бўлиши, жисмоний камолотга эришиши фақатгина унинг турмуш тарзи, меҳнат ва уй рўзғор фаолияти билан таъминланмайди. Балки ҳар бир халқни ўз тарихий, маданий, ижтимоий, иқтисодий тараққиётига хос бўлган мазкур халқ томонидан кашф этилган миллий ўйинлар, сайллар, урф-одатлар ва спорт турлари воситалари ёрдамида ҳам амалга оширилади. Шундай экан ёш авлодни ҳар томонлама жисмонан, руҳан, маънан барқамол қилиб тарбиялаш учун ўзбек халқимизнинг миллий ўйинлари, урф-одатлари, қадриятлари билан биргалиқда таълим-тарбия беришимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун. – Тошкент: 2020.
2. Шавкат Мирзиёев сўзи. (<https://m.facebook.com/photos>).
3. Қодирова Ф. Мактабгача педагогика. – Тошкент: 2019.
4. Охунжон Сафаров. Ўзбек халқ болалар ўйинлари. – Тошкент: 2013.
5. Жалилова С. Мактабгача ёшдаги болалар психологияси. (Касб- ҳунар ва педагогика колежлари учун ўқув қўлланма) – Т.: Файласуфлар, 2013. -Б.295.